



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

312-son

20 21-yil "30" oktyabr

Toshkent shahri

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг
самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти ҳамда
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги
Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон
Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги
ПФ-6013-сон, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини
таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон
фармонлари ижросини сифатли таъминлаш, вазирлик тизимида коррупцияга
қарши курашиш ҳамда олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш
мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг
ва назорат қилиш Услубиёти 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом 2-иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Вазирлик коррупцияга қарши курашиш комиссияси, ҳудудий
бошкармалар ҳамда таркибий тузилмалар коррупцияга қарши курашиш
комиссияларига:

коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг
ва назорат қилиш Услубиёти ҳамда коррупцияга қарши кураш тизимининг
ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом
талабларига қатъий риоя қилинсин;

уч кун мудатда комиссиялар аъзолари ва координаторлари томонидан
тегишли тартибда шахсий таркиб ўртасида коррупцияга қарши тартиб-

таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти ҳамда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом талаблари ўрганиб чиқилиши ва конспектлаштирилиши ташкил этилсин;

доимий равища худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар комиссиялари томонидан тегишли тартибда ҳисоботларни Низом талабларига асосан вазирлик коррупцияга қарши курашиш комиссиясига тақдим қилиш йўлга қўйилсин;

10 кун муддатда буйруқ ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик коррупцияга қарши курашиш комиссиясига тўлиқ ахборот юборилсин;

ушбу буйруқ ижросининг таъминланишига шахсан биринчи раҳбарлар жавобгарлиги белгилансин.

3. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

уч кун муддатда мазкур буйруқнинг электрон матни ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

ушбу буйруқнинг мазмун ва моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин.

4. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат килишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.б.
генерал-лейтенант



Т.Худайбергенов

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2021 йил 30 октябрдаги 312-сонли
бўйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини
мониторинг ва назорат қилиш**

УСЛУБИЁТИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларининг (кейинги ўринларда – вазирлик) ички норматив хужжати ҳисобланади ва вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив хужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда - коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда вазирлик фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда - танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

3. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, вазирликнинг ички норматив хужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илфор ҳалқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда - мониторинг ва назорат) вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан амалга оширилади.

5. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

вазирлик фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали вазирликнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

вазирликнинг коррупцияга қарши ички норматив хужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

вазирлик фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тахлил қилиш;

вазирликнинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

вазирликда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

6. Ушбу Услубиёт мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

контрагент (шартномавий шерик) – вазирлик билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуклар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноконуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноконуний фойдаланиш;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқeidан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга қарши тизим – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, вазирлик ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

релевант хабар – вазирликдаги коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – вазирлик билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари

7. Вазирликда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши мониторинг ўтказилади:

идоравий коррупцияга қарши тизимнинг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида вазирлик ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги;

вазирлик ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги.

8. Вазирликдаги коррупцияга қарши тизимнинг **назорати** қуидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;
вазирликдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

III. Идоравий коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби

9. Идоравий коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан доимий равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл вазирликлари тавсиялари) кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, зарурат туғилганда Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари мониторинг якунлари бўйича вазирликдаги коррупцияга қарши кураш тизимини такомиллаштириш, ички идоравий хужжатларни ўзгартириш ёки янги хужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вазирга киритади.

10. Оммавий ахборот воситаларида вазирлик ходимларининг коррупциявий ҳатти-харакатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, вазирлик Матбуот хизмати томонидан доимий равища оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Мониторинг натижасида ходимга алоқадор релевант хабар аниқланганда вазирлик тизимидағи ходимларининг коррупциявий ҳатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички идоравий хужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади.

11. Вазирлик ходимларининг коррупцияга қарши тегишли буйруқларда асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади.

Ходимларнинг хабардорлиги мазкур услубиётга 1-иловада келтирилган ходимларнинг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимиға мувофиқ ўтказилиб, қуидагиларни ўз ичига олади:

танлов асосида вазирлик ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони вазирликнинг турли тузилмаларида турли лавозимларни эгаллаган 6 киши);

коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва вазирлик талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (вазиятли топшириклар - кейсларни ечиш

билинг) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очик саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин);

жавоб ечимларни тақдим қилиш учун танланган ходимларга назорат саволларини юбориш;

натижаларни таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиб талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ҳамда уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш.

12. Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот 2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади.

IV. Вазирликдаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш

13. Вазирликнинг коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ ҳисбот тузиш давомида амалга оширилади.

14. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат вазирликдаги коррупцияга қарши курашиб тизимини ташкил қиласиган функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиб мақсадида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган муносабатларга нисбатан вазирлиқда жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар амалга оширилади.

15. Вазирлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига қуйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин:

харидлар бўйича фаолият;
совғалар, хизмат сафарлари харажатлари;
молиявий маблағларни сарфланиши;
персонални бошқариш (кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини ошириш, мукофотлаш ва бошқа кўринишдаги рағбатлантириш).

16. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган ёки вазирлик учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, вазир ва вазирликнинг тегишли бошқармалари билан келишилган ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

17. Бир ёки бир нечта хавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин вазирликнинг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чоракда камида бир марта амалга оширилади.

18. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси икки календарь йилга мўлжаллаб Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу Услубиётда кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) вазирликнинг барча жараёнларини, текшириладиган даври

ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак. Шу билан бирга, тегишли чорақда текширилиши керак бўлган хавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва тақсимланиш жараёни вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички идоравий ҳужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усуллар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан белгиланган тартибда хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларнинг қолдиқ хавф даражасига қараб амалга оширилади.

19. Тайёрланган Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси 31 январга қадар вазир томонидан тасдиқланиши керак.

20. Вазирликда режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар вазирнинг тегишли буйруғи мавжуд бўлса;

вазирликда ўтказилган бошқа текширувлар (шу жумладан расмий текширувлар, ички аудиторлик текширувлари ва бошқалар) давомида коррупция хатарлари аниқланганда;

вазирликнинг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда.

21. Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қўйидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

вазирлик томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш ҳужжатлари ёки хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ҳужжатлари билан солишириш;

товарларни ҳақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар кўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва ҳужжатларда белгиланган тартибда солишириш;

Контрагентни ёки вазирликда ишлашга номзодни текшириш натижаларига асосланган хulosада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи ҳужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки ишлашга номзоднинг шартномада кўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш;

контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солишириш;

вазирлик ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталашибириш белгилари йўқлигини текшириш;

қонун ҳужжатларига ва вазирликнинг ички ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини

текшириш (рақобатлашув харид қилиш тартиб-таомилларининг эълон қилингандиги тўғрисида маълумот ва бошқалар);

пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун вазирлик ходимлари билан сұхбат.

22. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади (кейинги ўринларда- Маълумотнома деб юритилади), у кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қўйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида:

ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиши ва тугалланиши саналари;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

хисботни тузиш учун масъул ходимнинг Ф.И.Ш.

Тавсифловчи қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

вазирлик коррупцияга қарши кураш тизимининг аниқланган қоидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар.

Якуний қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хуноса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, вазирликнинг ички хужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

23. Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар, ҳаволалар ва қўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак.

24. Маълумотнома вазирга тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.

V. Якуний қоидалар

25. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

26. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимларига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга карши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат килиш услугиётига І-йлова

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга карши тамоийллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш ТИЗИМИ

T/p	Текширув ўйналини	Текширув тадбирлари
1.	Вазирлик ходимларига одоб-ахлоқ коидаларига, коррупцияга карши тамоийллар ва талабларга риоя қилинишини назорат қилиш масалалари бўйича тренинглар (онлайн, оффлайн) ўтказилишининг мониторини	Тренинглар мунтазамлиги, уларнинг мазмунни ва катнашувчи шахслар кисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.
2.	Коррупцияга карши қурашиш тамоийллари ва тартиб-таомиллар талабларини билишини текшириш	<p>Вазирлик ходимлари томонидан коррупцияга карши қурашиш тренинглари доирасида ўtkazildiganchestest yoki boskha назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили; ходимларни коррупцияга карши сиёсат билан имзо кўйдирилган холда мажбуuriy тарзда таниширилганлигини текшириш; ходимларни коррупцияга карши сиёсаг ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш:</p> <p>а) текширувда катнашиш учун вазирлик ходимларини танлов асосида аниқлаш (сўровда катнашадиган ходимларнинг Энг кам сони – вазирликда турли таркибий бўлинмалардан турии лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар);</p> <p>б) ички хужжатларда кўrsatilgantкоррупцияга карши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг Энг кам сони 10 та, Улар тест форматида, очик саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин);</p> <p>в) жавоблар/карорларни тақдим килишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш;</p> <p>г) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга карши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда кийинчиликларни муҳокама қилиш.</p>

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилиги тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомиларниң самардортигини мониторинг ва назорат килиш услубиётига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, унинг худудий бошкармалари ва таркибий тузилмаларида коррупцияга карши тартиб-таомилларининг самараадорлигини мониторинг ва назорат килини

ЖУРНАЛЫ

T/p	Мониторинг / тадбир түри	Чора-тадбирларни мониторинг кылыш даврийлиги (хар чоракда/хар ярим йилда/ доимий)	Мониторинг / назоратни ўтказиш санаси	Кузатувни тафсилоти	Коррупцияга карши курашиш тизимиини түргилаш чоралари	Масъул ижрочи	Түргиландиган чора-чора-тадбирларнинг ижро муддати
Коррупцияга карши курашиш тизимиининг етапларларының баходаш							
1.	Идорай коррупцияга карши кураш тизимиининг актуаллiği ва унинг конунчилик талаблари, шу жумладан, халкаро стендарттар талабларига мувоффислери мониторинги	Доимий равишида					
Коррупцияга карши курашиш самараадолигини баходаш							
2.	ОАВ мониторинги	Доимий равишида					
3.	Вазирлик ходимларининг коррупцияга карши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлорни мониторинги	Хар ярим йилда					
4.	Коррупцияга карши lastурлар, йүл хариталари ижроси устидан назорат	Хар чоракда					
5.	Вазирликкагы коррупцияга карши талаблар ва тартиб-тасмилларга риоя этилиши устидан назорат	Хар чоракда					

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2021 ийл 30 октябрдаги 312-сонли
буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари (кейинги ўринларда – вазирлик)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида фаолият юритилиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун масъулият вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий Шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда таркибий тузилмаларда Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлимларининг масъул ходимлари зиммасида бўлади.

2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги

3. Вазирлик тизимида қуидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, вазирликнинг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл ҳаритаси тадбирларини амалга оширилиши бўйича ҳисобот ҳар чоракда Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда таркибий тузилмаларда Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлимлари томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий шахсий хавфсизлик бўлимлари ҳамда таркибий тузилмаларда Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлимлари томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

4. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

5. Йилнинг IV-чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

6. Ҳар чораклик ва йиллик ҳисобот ўрнатилган тартибда Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан вазиррга киритилади.

Вазирлик Шахсий хавфсизлик бошқармаси ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 30-санасидан кечиктирмай вазирликнинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) киритиб боради.

7. Вазирликнинг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот (маълумотлар) Интернет тармогидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан тайёрланади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

8. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, вазирликнинг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

9. Ҳисобот ҳар чоракда Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан ҳисобот давридан кейинги ойининг 20-санасидан кечиктирмай тузилади ва вазирга кўриб чиқиш учун топширилади.

10. Ҳисоботни шакллантириш куйидаги тартиба амалга оширилади:

а) вазирликнинг марказий аппарати ҳисоботи Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан тузилади, шунингдек, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари томонидан тузилган ҳисоботлар Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан умумлаштирилади;

б) Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, унинг сабабини кўрсатиши лозим;

в) ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли хужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича вазирлик тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

11. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва умумий ҳисоботни тузишда Шахсий хавфсизлик бошқармаси тегишли бошқарма ва таркибий тузилмалар ходимларидан зарур хужжатлар ва статистика маълумотларини сўраш ва олиш ҳукуқига эга.

12. Шахсий хавфсизлик бошқармаси коррупцияга қарши кураш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойининг 15-санасигача вазирга тақдим этади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги хисоботни шакллантириш тартиби

13. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги хисобот ушбу Низомга З-иловага мувофик шаклда тузилади.

14. Мазкур хисобот Шахсий хавфсизлик бошқармаси ва унинг ҳудудий Шахсий хавфсизлик бўлимлари томонидан вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши түғрисидаги умумий хисобот билан бир вақтда тузилади.

15. Ҳисобот ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлигига тегишли тартибда юборилади.

5-боб. Якуний қоидалар

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва вазирликнинг ички идоравий хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга вазирликнинг Шахсий хавфсизлик бошқармаси маъсул ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва
тақдим этиш бўйича Низомига 1-илова

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисбот

Вазирлик номи:							
Ҳисоботни тайёрлаган ҳодим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	ФИШ, лавозими, тузилмаси						
Ҳисбон даври:							
Ҳисбон тайёрланган сана:							

T/p	Тадбирлар турхининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажариш муддати	Масъул ижрочилик	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганини тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

T/p	Тадбир	Натижалар
II. Сиёсатлар ва процедуралар		
1.	Ички хужжатларни мослаштириш	Вазирликда ҳисбон даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички хужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички хужжатларни ишлаб чикиш.	Ҳисбон даврида ишлаб чикилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички хужжатларни (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
III. Шахсий намуна		
3.	Вазир ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чикишлари (нутки).	3-бандларда вазир ва унинг ўринбосарларининг конунчилик талабларига риоя килиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлиннама белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал килишнинг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очик эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.
4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиши (Вазир ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Вазир ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	
III. Хавф-хатарларни баҳолаш		
6.	Вазирликда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш	Ҳа ўтказилган/йўк ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (кайси босқичдаги кўрсатилади)
7.	Ҳисбон даври учун вазирликда иш жараёнда янги аникланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар кайта баҳоланди, янги даража, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова килинади.	
8.	Ҳисбон даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	

9.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар юкори бўлган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик таваккал юкори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилиди
10.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
IV. Коррупцияга карши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11.	Вазирликда аникланган манфаатлар тўқнашуви холатлари ва қабул килинган чоралар	Вазирликда аникланган манфаатлар тўқнашуви холатларининг сонини кўрсатиш ёки аникланган манфаатлар тўқнашуви холатлари реестрини илова килиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан хар йили манфаатлар тўқнашувини декларация килиш.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг вазирликдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг вазирликдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Вазирликга ишга кабул килинган ходимлар сонини ва вазирликдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14.	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлари натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга карши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлгандан ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга карши тадбирларни кўрсатиш.
V. Таълим ва коммуникация		
16.	Коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчилликка энг кўпроқ мойилилк экҳитомоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш.
17.	Вазирликка яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш.
18.	Ходимларнинг коррупцияга карши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга карши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг максадли гурухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б.) кўрсатилиди) ва унинг якунларини кўрсатиш.
19.	Коррупцияга карши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга карши кураш мөъёрилари мавзусида ахборот- таркатма материаллари.	Коррупцияга карши талаблар ва тартиб-таомилларга амал килиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин килиниши ва уларга тўғри амал килиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа таркатма материаллар.
20.	Ходимларнинг ахлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга карши кураш тизими ва коррупцияга карши қонунчиликнинг талаблари хакида хабардор килишнинг бошқа усуслари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар.
21.	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга карши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга карши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга карши кураш куни, коррупцияга карши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияга карши кўғшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги контрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати.
VI. Коррупциявий ҳатти-харакатлар ва қондабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари		
22.	Ҳатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал ҳатти-харакатлар учун алока каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қўйидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алока канали, хабар мавзуси, тегишли хисоботни илова килиш.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга карши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган холатлар (шу жумладан, мөъёрий-хукукий хужжатлар ва мақолалар кесимида) аникланган; Бўлинмада белгиланган коррупцияга карши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш холатлари аникланган (шу жумладан, ички хужжатлар кесимида); Айбордорлар аникланган холатлар сони.	Ҳар бир банд бўйича холатлар сонини кўрсатиш.
24.	Қабул килинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аникланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар тақлиф килинди.
VII. Мониторинг ва назорат		
25.	Хисобот даврида мавжуд коррупцияга карши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва	Вазирликда коррупцияга карши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қўйидаги кесимида кўрсатиш

	тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганиги	Текширув объектлари (бошқарма, бўлим); Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар); Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.); Текширув тадбирлари характеристи (режали, режадан ташкари).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш холатлари аникланганми ва уларга нисбатан кўлланилган таъсир чоралари?	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда кандай қоидабузарликлар аникланган? Аникланган ҳолатлар сонини кўрсатиш. Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун кандай тавсиялар тайёrlанган. Улар кандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошка ички хужжатлар)?

Хуносалар: Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурят туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қоникарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси хисобот даврида хисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши қураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низомига 2-илова

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши қурашиш тизимининг фаолият
кўрсатиши тўғрисида 2021 йил IV-чорак учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Вазирликнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани
тўғрисида умумий ахборот¹**

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши қурашиш тадбирларининг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан вазирлик марказий аппарати, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва таркибий тузилмалар кесимида коррупцияга қарши қурашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида Коррупцияга қарши қурашиш тадбирларини амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши қурашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи ва ҳисбот даврида вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-хукукий ва ички хужжатлар (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Вазирлик томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаганлар ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари сони кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида кўрсатилади.

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида ҳисбот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиширтма тахлил ўтказиш, коникарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим факат ҳар йиллик ҳисбот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофик амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тахлилий ахборот акс эттирилади.

Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юкори, ўрта, паст) худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида кўрсатилади;

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида вазирлик учун юкори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши қураш тартиб-таомиллари Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида кўрсатилади;

вазирликда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

вазирлик бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг хар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);⁴

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида вазирлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, ҳарид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

Коррупцияга қарши қоидаларни вазирлик шартномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни вазирликнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида вазирлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

Контрагентларни текшириш⁵

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида кўрсатилади.

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

⁵ Контрагентларни текшириш вазирлининг тегишили буйргуи асосида ўтказилади ва ҳисоботда кўрсатилади

Ишга номзодларни текшириш⁶

Марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида вазирлик тизимиша ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони кўрсатилади.

V. Таълим ва коммуникация

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида вазирлик тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўнилмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиши) кўрсатилади;

бўлимда шунингдек, вазирлик тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

VI. Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва хуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Хисобот даврида ходимларнинг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида кўрсатилади;

мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁷

Марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида хисобот даврида вазирлик тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган объектлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характеристи тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;

ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади, шу жумладан, ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур хисоботнинг VIII-бўлимига ҳавола берилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги ҳақида марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида таҳлилий маълумотлар кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг улар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

вазирлик ички хужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Вазирликда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айборларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; вазирлик тизими жараён ва ички хужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва хисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

IX. Хуносалар

Вазирлик тизимида худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабаблари қайд этилади.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини яиада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги хисобот даврида вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалари кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

⁶ Ишга номзодларни текшириш вазирнинг тегишли буйруги асосида ўтказилади ва хисоботда кўрсатилади

⁷ Мониторинг ва назорат вазирнинг тегишли буйруги асосида ўтказилади ва хисоботда кўрсатилади

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва
тақдим этиш бўйича Низомига З-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги
ҲИСОБОТ**

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар